

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРАЛИГИ

ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК. 371.03.

САТТОРОВ Ваҳоб Нашбандович

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ V-IX СИНФ
ЎҚУВЧИЛАРИДА ЭКОЛОГИК МАДДАНИЯТНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ
(қўшалоқ хўжалик меҳнати таълими мисолида)

13.00.01 – педагогика назарияси ва тарихи

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

ТОШКЕНТ – 2002

Диссертация Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида бажарилган.

Илмий раҳбар – Ўзбекистон Республикаси ФА академиги, фалсафа фанлари доктори, профессор
С. ШЕРМУХАМЕДОВ

Расмий ошпонентлар: педагогика фанлари доктори, профессор
Ж.ҲАСАНБОВ
педагогика фанлари номзоди, доцент
Ш. АБАЗОВ

Етакчи илмий муассаса – Ўзбекистон Миллий университети


Диссертация ҳимояси 2002 йил сентябр ойининг 26 куни
соат 14 да Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот
институтини хузуридаги фан доктори илмий даражасини олиш учун
диссертациялар ҳимояси бўйича АҚ 113.20.01 Ихтисослашган кенгаш
йиғилишида ўтказилган.

Манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Олмасор кўчаси, 174 уй.

Диссертация билан Республика илмий педагогика кутубхонасида
таништиш мумкин.

Автореферат 2002 йил «20» август да тарқатилади.

Ихтисослашган кенгаш
илмий қотиби



1. ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. XXI асрнинг ибтидоида нафақат Ўзбекистонда, балки бутун жаҳонда «инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб қолмоқда»¹. Зеро, табиат ва инсониятнинг омон қолиши, ижтимоий тараққиётнинг келажак истиқболлари мавжуда ижтимоий экологик муаммоларнинг қай даражада ҳал қилиниши билан белгиланади.

«Экологик ҳавфсизлик муаммоси алақачон миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги кунини келажакки кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир»².

Иккинчи минг йилликнинг интиҳоси – охириги ўн йиллиги ЮНЕСКО қарори билан "Атроф-муҳит соҳасидаги жаҳон таълими ўн йиллиги" деб эълон қилинган эди. Учинчи минг йилликнинг ибтидоида ҳам бу муаммо жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида қолмоқда.

Республикамиз ҳулуида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларининг жиддий кескинлашуви аҳолининг барча қатламлари, биринчи навбатда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари шахсида экологик маданиятни – табиатга, атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантириш масаласини фавқулодда долзарб қилиб қўймоқда. Акс ҳолда ҳақиқий соғлом турмуш тарзи ва баркамол шахсни шакллантириш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50 – моддасида "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар", деб белгиланган³. Шунингдек, 54 – моддасида таъкидланганидек, «Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қадамлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. - 114 - бет.

² Уша асар. - 115 - бет.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: XII қақмида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессияда 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. Т.: Ўзбекистон, 1992 йил. - 18 - бет.

давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт»¹.

Усиб келатган ёш аълонинг табиятта, атроф - муҳитта эҳтиёткорона, масъулиятли муносабатини шакллантиришда умумий ўрта таълим мактаблари асосий таянч вазифасини ўтайди. Ватанпарвар, соғлом аълод энг аввало мактабда камол топади.

Бугунги кунда республикамиз иқтисодиёти, хусусан, қишлоқ хўжалиги янги техника ва технологияни яхши биладиган, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш масаласини ишлаб чиқариш билан бир қаторга қўядиган, ўз фаолиятида табият бойликларидан оқилона фойдаланиб, ижтимоий - экологик мувозанатнинг бузилишига йўл қўймайдиган, табиятта, атроф - муҳитта нисбатан юксак ахлоқий фазилатларни намоён қила оладиган, экологик маданиятга ёшларга катта эҳтиёж сезмоқда. Чунки қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариши ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси каби табиий ресурслардан кенг фойдаланиш билан боғланган ҳамда атроф - муҳитта кучли таъсир кўрсатувчи антропоген омилга айлантилган, бунинг оқибатида табиий экосистемаларнинг бузилиши, тирик жониворлар тур таркибининг камайиши, туپроқларнинг емирилиши ва шўрланишининг кучайиши, туپроқ ҳосилдорлиги ва табиий яйловлар маҳсулдорлигининг пасайиши, атроф - муҳитнинг қишлоқ ҳўжалик чиқиндилари билан ифлосланиши, қишлоқ ҳўжалиги техникасининг атроф - муҳитта салбий таъсири кузатиламоқда. Булар экологик таълим ва тарбия қишлоқ мактаблари ўқувчиларини бўлғуси меҳнатта тайёрлаш жараёнининг зарурий ва мажбурий таркибий қисми бўлиши лозимлигини белгилайди.

Экология ва атроф - муҳит соҳасидаги таълим ва тарбиянинг кўпқамалик хусусияти умумий ўрта таълимнинг тегишли йўналишлари мазмунидан келиб чиқиб, ўқув фанларининг ўзаро алоқадорлигида очиб берилади. Экологик таълим ва тарбияга бундай ёндашув ривожланган хорижий давлатларга хос хусусиятдир.

Бугунги миаллий мустақиллигимиз шароитида Ватанимиз табиятга, атроф - муҳитга эҳтиёткорона муносабат ва масъулият билан қараш ҳар бир ўқувчининг шахсий эътиқолига айланмоғи шарт. Ҳеч бир ўқувчи атрофдаги табиий - ижтимоий муҳитдан, жамиятда ўрнатилган ахлоқий - экологик меъёр ва тартиблардан ташқарида яшashi мумкин эмас.

Жаҳонга машҳур мутафаккирларимиз: Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улутбек, Алишер Навоий, Заҳириддин

Муҳаммад Бобур ва бошқалар ўз асарларида «экология», «экологик таълим», «экологик тарбия», «экологик онг», «экологик маданият» каби тушунча ва ибораларни қўлламасалар ҳам, атроф - муҳитни бузилишдан сақлаш, табият бойликларини авайлаб - асраш, боғлар ва гулзорлар яратишнинг аҳамиятини илмий асослаб берганлар. Ёрни бузиб, сувни ифлос қилувчиларга, ҳайвонлар ва ўсимликларга зиён - захмат келтирувчиларга қаттиқ чоралар қўрилиши лозимлигини таъкидлаганлар. Бунда халқ педагогикасидаги анъанавий маърифий усуллар ҳам катта амалий аҳамият касб этган.

Мазкур тадқиқотий ишни амалга оширишда С. Аннамуратова, М. Давлетшин, Р. Жураев, О. Мусурмонова, Т. Махмудов, П. Мағзумов, У. Маҳкамов, Э.О. Тураиқулов, С. Нишонов, У. Нишоналиев, М. Очилов, А. Хужабоев, Д. Шодиев, М. Қуронов, К. Ҳошимов, каби олимларнинг илмий-назарий ҳаялари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тегишли илмий адабиётлар таҳлиладан маълум бўлишича, кейинги йилларда экологик таълим ва тарбия муаммоси буйича бир қанча докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган, илмий - усулбий қўланмалар, мақола ва тавсиялар chop этилган. Жумладан, маданиятнинг умумий ҳамда ўзаро узвий алоқалари муаммолари билан чет эл олимлари И.Р. Голубев, А.Н. Захлабний, И.Д. Зверев, Г.А. Кузнецов, И.Д. Лагтев, А.В. Лосев, Ю.В. Новиков, Одум Южин, Н.В. Разумихин, Роберт Аллен, И.Т. Суравелина, Н.М. Чернова, Н.В. Яблоков ва бошқалар; экологик муаммоларнинг тиббий-фалсафий жиҳатлари билан Ю.Ш. Шодиметов, Б.Зиёмуҳаммадов, Ш.А. Махмудова, А. Ҳукумов ва бошқалар; экология ва атроф - муҳит муҳофазасининг айрим илмий масалалари билан Р. Аҳмедов, Р.У. Бекназаров, Ю.Г. Махмудов, Ш.Т. Отабоев, А.С. Тухтаев ва бошқалар; экология ва атроф-муҳит муҳофазасининг педагогик жиҳатлари, яъни экологик таълим ва тарбиянинг мақсади, вазифалари, мазмуни, шакли ва усуллари билан Ш. Авазов, Н.Ашурова, М. Ибодуллаева, И. Мислибоев, Н.Нишолова, М.Раҳимқулова, Г.А. Султонова, Э.О. Тураиқулов, М.А.Йўлдошев, Б.Қултурраев, М.К.Ҳошимова ва бошқалар шутуланганлар.

Мазкур тадқиқотчилар экологик таълим ва тарбиянинг умумпедагогик ва хусусий методик жиҳатларини айрим ўқув фанлари ва ўлкашунослик мисолида тадқиқ этганлар.

Экологик таълим ва тарбия орқали ҳар бир шахс, охир-оқибат бутун жамият экологик маданиятини шакллантириш экологик муаммоларни ҳал қилишнинг энг муҳим маънавий-маърифий қирраларидан бири ҳисобланади. Бунда инсон ва табият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асоси ҳисобланган меҳнат, хусусан, қишлоқ ҳўжалик меҳнати муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: XII қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг XI сессияда 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. Т.: Ўзбекистон, 1992 йил. - 18 - бет.

Маълумки, кишиларнинг меҳнат фаолияти табиатни қайта ўзгартириш ва уни муҳофаза қилишнинг асоси ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ривожланиши билан инсоннинг табиатга қайта таъсири кучаяди ва бу жараёнда у ўзининг табиатиши ҳам ўзгартира боради. Шу сабабли педагог олимлар ва қишлоқ умумий ўрта таълим мактаблари педагог жамоалари оламида турган асосий вазифаларидан бири бозор муносабатлари, рақобат ҳамда экологик ноқулай муҳитда ўқувчиларни бўлғуси меҳнат фаолиятига тайёрлашнинг самарали йўллари ва меҳнатнинг экологик софлигини, зарарсизлигини таъминлайдиган экологик таълим-тарбия тизимиغا янгича ёндашувларни излаб топиб, амалиётда қўлладан иборат бўлиб қоламоқда.

Тегинли илмий - педагогик адабиётларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва қишлоқ мактаблари амалиётини педагогик кузатишлардан маълум бўладикки, қишлоқ хўжалик меҳнати таълими ўқитувчилари дарслар ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида V-IX синф ўқувчилари шахсида экологик маданиятни шакллантиришга ҳаракат қилишди, бироқ тизимланган, илмий-услубий асосланган қўлланмалар ва педагогик тавсияларнинг йўқлиги туфайли бу масала ечимига жиддий эътибор берилмапти.

Қишлоқ хўжалик меҳнати таълими хусусиятларига мувофиқ ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириш жараёнини шундай ташкил қилиш керакки, ўқувчи шахсининг табиий муҳит билан ўзаро алоқадорлиги уйғунлашиб, уларда атроф-муҳитга нисбатан эҳтиёткорлик, маъсуллик муносабатлари зарурий даражада тарбиялансин. Бу жиддий "Умумий ўрта таълим мактабларининг V-IX синф ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантириш (қишлоқ хўжалик меҳнати таълими мисолида)" деб номланган мазкур тадқиқот мавзусини талашга асос бўлади.

Қишлоқ хўжалик меҳнати таълими қандай педагогик шарт-шароитларда экологик маданиятни шакллантириш воситасига айланади, деган муаммонинг илмий-назарий ва амалий-услубий ечимини топиш тадқиқотнинг мақсади ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти: умумий ўрта таълим мактабларининг V-IX синф ўқувчилари шахсида экологик маданиятни шакллантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети: қишлоқ хўжалик меҳнати таълими жараёнида умумий ўрта таълим мактабларининг V-IX синф ўқувчилари шахсида экологик маданиятни шакллантириш мазмуни.

Тадқиқотнинг илмий фарази: қишлоқ хўжалик меҳнати таълими жараёнида умумий ўрта таълим мактабларининг V-IX синф ўқувчилари шахсида экологик маданиятни зарурий даражада шакллантириш мумкин, агарда:

- қишлоқ хўжалик меҳнати дарслари, синфдан ва мактабдан ташқари машғулотлар экологик мазмунга эга бўлса;

- агроэкологик таълим ва тарбиянинг мақсада мувофиқ ноанъанавий ташкилий шакллари, методлари ва воситаларидан унумли фойдаланилса;

- дарслар, синфдан ва мактабдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчиларнинг экологик тарбияланганлик даражаси эътиборга олинса ва экологик маданият андозаси яратилса;

- ўқувчилар ёш ва психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда экологик мазмунли қишлоқ хўжалик меҳнати фаолиятига жалб этилса ва уларда агроэкология соҳасига ижобий муносабат шаклланса;

- ўқувчиларни агроэкологик фаолиятга тайёрлаш жараёнида фанлараро алоқадорликдан фойдаланилса, агроэкологик тарбиявий тадбирларда мактаб, оила ва кенг жамоатчилик ҳамкорлиги таъминланса ҳамда бу ишлар лаёқатли меҳнат таълими ўқитувчиси раҳбарлигида амалга оширилса.

Тадқиқотнинг муаммоси, мақсади, объекти, предмети ва илмий фаразига мувофиқ қуйидаги вазифалар ҳал қилинди:

1. Тегинли фалсафий, психологик, педагогик ва методик адабиётлар ва мактаб амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида қишлоқ хўжалик меҳнати таълими жараёнида ўқувчилар экологик маданиятини шакллантириш - муҳим педагогик муаммо эканлигини асослаш.

2. «Экологик таълим», «экологик тарбия», «экологик маданият» каби тушунчаларга қишлоқ хўжалик нуқтан назаридан таъриф бериш, унинг таркибий қисмларини асослаш ва жамият, шахс экологик маданиятининг тадрижий ривожланишини таҳлил қилиш.

3. Қишлоқ хўжалик меҳнати дарслари, синфдан ва мактабдан ташқари машғулотлар мазмунини экологизлаштириш йўллариини ишлаб чиқиш.

4. Ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни экологик мазмунли қишлоқ хўжалик фаолиятига жалб этиш имкониятларини аниқлаш.

5. Қишлоқ хўжалик меҳнати дарслари, синфдан ва мактабдан ташқари машғулотлар жараёнида экологик маданиятни шакллантириш андозасини ишлаб чиқиш, уни амалий жиҳатдан таъминловчи педагогик шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда тажриба синовидан ўтказиш.

6. Тадқиқот натижаларига таянган ҳолда қишлоқ хўжалик меҳнати машғулотлари жараёнида экологик маданиятнинг шаклланишини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадақиқотнинг назарий ва методологик асослари:

Тадақиқотнинг назарий асослари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари, шунингдек, Ватанпарвар ва хориж файласуфлари, педагог ва аксиолог олимларнинг педагогик тадақиқотлари ҳисобланади.

Тадақиқотнинг методологик асосларини табиат ва жамиятнинг узаро алоқадорлигини ўрганишда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлиги принципи, шахс қамолоти ва маданияти ҳақидаги фалсафий-педагогик таълимот ҳамда шахс фаолияти ҳақидаги психологик назария ташкил қилади.

Тадақиқот манбалари сифатида қуйидаги расмий ҳужжатлар ҳисбат қилади: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, экология, атроф-муҳит муҳофазаси, маърифат, таълим ва тарбия тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари.

Тадақиқот жараёнида қуйидаги методлардан фойдаланилади:

- тадақиқот мавзуси бўйича фалсафий, психологик - педагогик ва методик адабиётларни назарий таҳлил қилиш;

- қишлоқ хўжалик меҳнати дарслари, синфдан ва мактабдан ташқари машғулотлар жараёнида экологик маданиятни шакллантириш бўйича қишлоқ мактаблари амалиётини ўрганиш;

- педагогик жараёни кузатиш ва таҳлил қилиш;

- педагогик илмий тажриба;

- ўқувчилар ва ўқитувчилар билан суҳбатлашиш, суровлар ўтказиш;

- педагогик вазиятларни яратиш, қиёсий таҳлил;

- мактаб ҳужжатларини ўрганиш, педагогик консилиум;

- тадақиқот натижаларини математик - статистик қайта ишлаш ва умумлаштириш.

Тадақиқот уч босқичда амалга оширилади:

Биринчи босқичда (1989 - 1992 йиллар) тадақиқот муаммоси бўйича тегишли адабиётлар, ўқув режалари ва дастурлар таҳлил қилинади, умумий ўрта таълим мактабларидаги илгор иш тажрибалари ўрганилади. Натижада тадақиқотнинг мақсади, вазифалари, илмий фарази ва методлари аниқланади ҳамда дастлабки материаллар туپланади.

Иккинчи босқичда (1993 - 1999 йиллар) қишлоқ хўжалик меҳнати таълими жараёнида ўқувчилар экологик маданиятини шакллантириш андозаси яратилади ва унга мос равишда илмий тажриба дастури ишлаб чиқилади. Шу асосда тажриба - синов ишлари ташкил қилиниб, экологик таълим - тарбияни амалга оширишнинг педагогик шарт - шароитлари аниқланади.

Учинчи босқичда (2000 - 2001 йиллар) тажриба - синов натижалари таҳлил қилинади, назарий жиҳатдан умумлаштирилади ҳамда тадақиқот бўйича умумий хулосалар ва илмий - амалий тавсиялар ишлаб чиқилади.

Тадақиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

- «экологик таълим», «экологик тарбия», «экологик маданият» каби тушунчаларга қишлоқ хўжалиги нуктаи назаридан педагогик тавсиф берилади, унинг таркибий қисмларига аниқлаб киритилади;

- қишлоқ хўжалик меҳнати таълими жараёнининг экологик мазмунини ва имкониятлари аниқланади;

- қишлоқ хўжалик меҳнати машғулотлари жараёнида экологик таълим ва тарбиянинг ноанъанавий ташкилий шакллари ва методлари асосланади;

- ўқувчиларнинг қишлоқ хўжалик меҳнати таълими жараёнида экологик тарбияланганлик (маданият) даражасини аниқлаш мезонлари яратилади;

- ўқувчиларни ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда экологик мазмундаги қишлоқ хўжалик фаолиятига жалб этиш йўллари ишлаб чиқилади;

- қишлоқ хўжалик меҳнати дарслари, синфдан ва мактабдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчилар экологик маданиятини шакллантириш андозаси яратилади.

Тадақиқотнинг назарий аҳамияти. Тадақиқотнинг умумий хулосалари педагогика назарияси, хусусан, меҳнат таълими назарияси ва методикаси мазмунини такомиллаштиришда, умуман, Ўзбекистон Республикасидаги маърифий - экологик дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда назарий ва методик асос вазифасини ўташи мумкин.

Диссертация материаллари экологик таълим, тарбия ва маданиятнинг моҳияти ҳамда тузилиши ҳақидаги билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Тадақиқотнинг амалий аҳамияти. Тадақиқотнинг айрим натижалари ва гоյаларидан экологик мазмундаги илмий - назарий, илмий - услубий адабиётларни яратишда, тадақиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий - педагогик ва методик тавсиялардан умумий ўрта таълим мактабларининг V-IX синфларида экологик таълим-тарбияни самарали йўлга қўйишда, шунингдек, ёшлар билан ишлайдиган жамоат ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйишда, турли тиндаги ўқув юртлари, хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги касб - хуна\r коллежларида экология (табиатни муҳофаза қилиш) асосларини ўрганиш, экология ва табиатни муҳофаза қилиш органилари фаолиятини такомиллаштириш каби мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин.

Тадақиқот натижаларининг ишончанлиги ва асосланганлиги тадақиқ этилаётган муаммага умумий педагогик ёндашиш, унинг мақсади, вазифалари ҳамда амалий фаразига мос келувчи методлар маъмуасидан фойдаланиш ҳамда тажриба мактаблари ўқувчиларининг экологик маданият ҳамда тарбияланганлик даражаси ўзгаришига ўз инфоасини топган синов натижалари, шунингдек, диссертант томонидан эълон қилинган илмий - услубий-ишларда акс этган ва тасдиқланган.

Тадақиқот натижаларини муҳокамадан ўтказиш ва амалиётга жорий қилиш диссертант томонидан илмий - методик журналлар ва илмий тўпламларда мақомалар эълон қилиш, Низомий номидagi ТДПУ профессор - ўқитувчиларининг илмий - назарий ва илмий-амалий анжуманларида иштирок этиш, шунингдек, республика миқёсда ўтказилган илмий-методик анжуманларда (1989-2000 йиллар) маърузалар ўқиш йўли билан амалга оширилган.

Тадақиқотнинг асосий натижалари Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 16- мактаб, Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 1- 2- 5- ва 9- мактаблар, Касбн туманидаги 1- ва 2- мактабларнинг педагогик амалиётга жорий қилинган.

Ҳимояга қўйидаги ҳолатлар қўйилади:

- «агроэкология» ва «экологик маданият» тушунчалари, уларнинг таркибий қисмлари ва экологик онг билан боғлиқлиги, уларга қўйиладиган замонавий талаблар;

- ўқувчиларни агроэкологик фаолиятга тайёрлаш жараёнининг мазмуни ва имкониятлари;

- қишлоқ хўжалик меҳнати таълими жараёнида ўқувчилар экологик маданиятини шакллантириш андозаси, агроэкологик билимлар тизими, ўқувчиларнинг экологик тарбияланганлик (маданият) даражасини аниқлаш мезонлари.

- ўқувчиларни агроэкологик фаолиятга жалб этиш йўллари.

Диссертациянинг тузилиши. Иш кириш, 2 боб, 6 бўлим, умумий ҳулоасалар ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишда 11 та жадвал, 7 та чизма ва 3 та илова мавжуд.

II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадақиқотнинг долзарбдиги асосланган, муаммонинг ишланганлик даражаси таҳлил этилган, тадақиқотнинг объекти, предмети, мақсади, илмий фарази, асосий вазифалари, назарий ва методологик асослари, методлари, ишнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, шунингдек ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар илгари сурилган.

Диссертациянинг «Қишлоқ хўжалик меҳнати таълими жараёнида ўқувчи шахси экологик маданиятини шакллантириш - долзарб педагогик муаммо» деб номланган биринчи боби уч бандан иборат бўлиб, унда ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантиришнинг назарий - педагогик асослари таҳлил этилади, шахс ва жамият экологик маданиятининг тадрижий ривожланиши тарихи ҳамда қишлоқ хўжалик меҳнати таълими жараёнида ўқувчилар экологик маданиятини шакллантириш имкониятлари, унинг таркибий қисмлари асослаб берилади, шунингдек, муаммонинг ўрганилганлик даражаси аниқланади.

Маълумки, ўқувчи экологик маданиятини шакллантириш - ягона мақсад асосда ташкил этиладиган педагогик жараён бўлиб, унда ўқувчиларнинг экологик ҳис, тафаккур, идрок, саводхонлик, маъсуалик, фаоллик ҳамда салоҳият каби фазилатлари таркиб топтирилади. Агроэкологик тарбия - ўзлаштирилган агроэкологик билимларни амалиётга татбиқ этиш орқали ўқувчиларда ижобий экологик сифатларни таркиб топтиришга йўналтирилган узоқ муаддатли, мураккаб фаолиятли жараён саналади.

Ўқувчилар экологик маданиятини қишлоқ хўжалик меҳнати таълимининг ташкил этиш жараёнида шакллантириш қуйидаги вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ:

1. Табиат ва жамият ўртасидаги мустаҳкам узвий алоқани ўқувчиларга тизимли, онгаи равишда тушунтириш.

2. Ўқувчиларда табиат, агроф - муҳит билан ижобий муносабатда бўлиш эҳтиёжини қарор топтириш.

3. Ўқувчиларда агроэкологик билимларни ўзлаштириш, табиий ва антропоген экологик тизимлар моҳиятини англашга қизиқиш уйғотиш.

4. Ўқувчиларда табиатни асраш, унинг бойликларини қўлайтириш борасидаги экологик маъсуаликни қарор топтириш.

5. Ўқувчиларда агроф - муҳит софлиги ва барқарорлигини сақлаш, инсон саломатлиги ҳамда авлодлар давомийлигини таъминлаш йўлидаги муҳим қадам эканлигига ишонч уйғотиш.


6. Ҳар бир ўқувчининг қишлоқ хўжалиги ва агроф - муҳит муҳофазаси йўлида ташкил этилган умумжамиyat фаолиятидаги иштирокини таъминлаш.

Юқоридаги қайта этилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда «экологик маданият» тушунчаси қуйидагича шарҳланади: экологик маданият - бу агроф - муҳит тўғрисидаги тушунча, билим, тафаккур, онг ва уларни амалий фаолиятга татбиқ этиш фаолияти, кўникмаси ва маъсуулиятидир. Аниқроқ қилиб айтганда, табиат ва жамиятнинг ўзаро мутаносиблиги ва уйғунлигини таъминловчи амалий фаолиятдир.

Ўсмирларнинг психологик ва ёш хусусиятларига мувофиқ қишлоқ хўжалик асослари таълими жараёнида экологик маданиятнинг қуйидаги элементлари шаклланади:

- назарий агроэкологик билимларни эгаллашга интилиш чоғида- экологик ҳис, тасаввур, идрок ва тафаккурнинг ўсиши, экологик саводхонлик;
- содир бўлаётган агроэкологик ўзгаришларга баҳо беришга интилиш жараёнида — экологик маъсуулик, ғамхўрлик;
- қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳит олаидати ижтимоий бурчни англаш жараёнида — экологик эътиқод;
- ҳар қандай кўринишдаги агроэкологик муҳит барқарорлиги ва софлигига кўрсатилаётган салбий ҳолатларга қарши курашиш жараёнида - экологик фаолият.

Ўтказилган тадқиқот давомида қишлоқ хўжалик меҳнати таълими жараёнида агроэкологик муносабатларнинг шаклланиши қуйидаги тизим асосида кечади, деган хулосага келинади (1 — чизмага қаранг).



Тасвирда акс этганидек, шахс экологик маданияти агроэкологик муносабатлар негизига шаклланади.

Биз тадқиқот давомида қишлоқ хўжалик меҳнати таълими жараёнида ўсмир ўқувчилар экологик маданиятининг шаклланишлик даражасини аниқлаш мақсадида қуйидаги мезонларни белгиладик:

1. Агроэкология ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги илмий билим асосларига эга бўлиш.
2. Тирик табиат (ўсимликлар, ҳайвонлар ва одам) ҳақида фикрлаш ва унга нисбатан ғамхўрлик қилиш.
3. Табиий ресурсларни асраш ва сув манбаларидан оқилона фойдаланиш, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш.
5. Ҳуа/адаги агроэкологик вазиятни тўғри баҳолай олиш.
6. Ҳуа/адаги агроэкологик тизимга зарар етказиш ҳолатларига қарши курашиш.

7. Агроэкология ва табиатни муҳофаза қилишда фаол иштирок этиш.

Мазкур бобнинг алоҳида банди экологик маданият тушуначасининг шаклланиш тарихи масалаларини еритишга бағишланган бўлиб, унда ижтимоий - экологик меъёрлар талабига мувофиқ ташкил этиладиган ҳатти - ҳаракатлар муаммоси асрлар давомида халқнинг етук кишилари диққат эътиборида бўлганлиги, қадимги ёзма манбалар — "Авесто", ислом динининг муқаддас китоби - "Қуръон" ва ҳадисларда, шунингдек, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк алломалар қолдирган бой мерос ҳамда бевосита шахс маънавияти ва экологик маданиятига хос бўлган сифатларни аниқлаш борасидаги қарашлар моҳияти ҳамда аҳамияти хусусида сўз юритилади.

Қадимги ёзма манбалар ва мутафаккирларнинг қарашларидан маълум бўладикки, турли замонларда ҳам табиат ва инсон муносабатлари масаласи, инсон томонидан табиатга кўрсатилиши лозим бўлган мурувват, ғамхўрлик шахс маънавияти ва маданиятининг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида талқин этиб келинган. Мазкур бандда бу борада баён этилган фикр - мулоҳазаларга таянган ҳолда қуйидаги хулосага келинади:

1. Атроф - муҳит ва ундаги барча табиий объектлар ягона экологик тизимни ташкил этади. Ушбу тизим доирасида ортиқча ёки кераксиз деб топилаган моддий ашё бўлмайди.

2. Қишлоқ хўжалигининг асоси ҳисобланган туپроқ, сув, ҳаво - муқаддас. Зеро улар тирик мавжудотларнинг мавжудлиги ва яшashi учун бебаҳо манба саналади.

3. Инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар ўзаро алоқадорлик, узвийлик, икки томонлама таъсир хусусиятига эга. Бунда қишлоқ хўжалик меҳнати мода алмашинувини таъминлайдиган асосий воситадир. Табиат инсон учун турар - жой, уни кийинтиради, озиқлантиради, ўз навбатида, инсон табиий бойликларни асраш, уни кўпайтириш борасида ғамхўрлик қилиши шарт.

4. Ҳар бир фуқаро экология ва табиатни муҳофаза қилиш ўзининг ижтимоий бурчи эканлигини англаб олиши, атроф - муҳит ва қишлоқ хўжалиги барқарорлигини таъминлаш борасида умумжамият томонидан олиб борилаётган тадбирларнинг фаол иштирокчиси бўлиши лозим.

5. Ижтимоий тараққиётнинг юксак суръатлар билан ривожланиб бориши табиий муҳитга салбий таъсир этмоқда. Шу боис илм - фан, техника ва технология ютуқларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш талаб этилади. Агар муносабатларни ташкил этишда мумкин

қадар экологик жиҳатдан самарали бўлган қишлоқ хўжалик технологиялари ва техникасини қўллаш мақсадга мувофиқ.

6. Қишлоқ хўжалик асосларини ўрганиш ўқувчиларнинг агроэкологик билимларини бойитишни таъминлайди. Ушбу жараёнда ўқувчи шахсда табиатни севиш, уни асраш ҳисси вужуага келади, мазкур сифатлар ривожланиб, экологик тасаввур, экологик нарқ, экологик тафаккур, экологик саводхоналик, экологик фаоллик, экологик маъсулилик каби сифатлар қарор топади.

7. Табиат ҳатони кечирмайди. Бу гоё экологик ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мазмунида ҳам ўз ифодасини топган, яъни, табиатга етказилган зарар, ноқонуний хатти - ҳаракатлар маъмурий ва жинсий жавобгарликка олиб келади.

8. Экологик фаолият мазмуни тегинлаш ҳуқуқий - меъёрий ҳужжатлар ва қонунларда ўз ифодасини топган. Шу боис экологик ахборот муҳитини ташкил этиш экологик метрифат муваффақиятини таъминлашга олиб келади.


Экология ва табиатни муҳофаза қилишга онда ижтимоий таърибани ўрганиш, уларда илгари сурилган гоёлар мазмуни умумий ўрта таълим мактабларининг қишлоқ хўжалик асослари таълими жараёнида тўлақонли акс этишини таъминлайди.

Биринчи бобнинг сўнгги бандида асосий эътибор шахс экологик маданиятининг таркибий қисмлари ва уларнинг хусусиятларига кўра мактаб ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантиришга қўйилаётган замонавий талаблар хусусида сўз юритилади. Таъқиқот жараёнида экопедагог олимлар А.Н. Захлебний, И.Д. Зверев, И.Т. Суравегина, Э.А. Турдикулов, Ш.Авазов, Ю.Каримов ва бошқаларнинг экологик маданият ва унинг таркибий тузилмаси борасидаги қарашларини назарий ва методологик асос сифатида қабул қилган ҳолда ўзинга хос ёндашувни амалга оширишга уриндик. Назаримизда шахс экологик маданияти қуйидаги таркибий тузилмага эга (2 - чизмага қаранг).

Диссертациянинг «Қишлоқ хўжалик меҳнати таълими жараёнида ўқувчилар экологик маданиятини шакллантириш методлари ва ташкилий шакллари» деб номланган иккинчи бобида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида қишлоқ хўжалик меҳнати таълими жараёнида экологик маданиятни шакллантириш бўйича олиб бориладиган таъриба - синов дастурларида қўлланилган педагогик жараён, шакл ва методлар моҳияти очиб берилди.

Мазкур бобда ўқувчилар экологик маданиятини шакллантириш мазмуни ва шарт - шароитларини аниқлашга ёрдам берувчи таъриба - синов ишлари методикаси тақдим этилади.

2-чизма



Иккинчи бобнинг дастлабки бандида қишлоқ хўжалик меҳнати таълими даражасида V - IX синф ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантириш масаласи хусусида сўз юритилиб, унда асосий эътибор қуйидаги масалаларнинг ҳал этилишига қаратилади:

-аёқончилиқда тупроқларни ҳимоя қилиш тизимини ўрганиш (тупроқ унумдорлиги, тупроқларнинг емирилиши, ўғитлаш, тупроқ емирилишига қарши агротехник тадбирлар ва б.);

-қишлоқ хўжалиги экинларининг сув режимини мақбуллаштириш (сув ҳавзалари, уларнинг ифлосланиши; экинлар ва уларнинг сув режими; мелиоратив тадбирлар: агротехник, гидротехник, кимёвий, маданий - техник; шўрланиш, шўрланишга қарши тадбирлар);

-маъданли ва маҳаллий ўғитларнинг атроф - муҳитга таъсири (маъданли ўғитлар, уларнинг турлари, фойдаланиш метёлари ва атроф-муҳитга таъсири; маҳаллий ўғитлар, уларнинг турлари, фойдаланиш метёлари ва атроф - муҳитга таъсири);

-ўсимликларни ҳимоя қилишнинг муҳимаси бўлган тизими (ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари, физик ва биологик методлари, алмашлаб экиш);

-чорвачиликнинг атроф - муҳитга таъсири (чорвачилик фермалари, уларнинг жойлашиши, чорвачилик чиқитлари, чиқитларни зарарсизлантириш);

$$(-1.96 * \sqrt{0.007}; 1.96 * \sqrt{0.007});$$

Демак, $\bar{x} - \bar{y} = 4.47 - 4.15 = 0.32$ ҳосил бўлган қиймат ишончлилик оралиғига тушмайди. Яъни, H_0 (бошланғич фараз) рад этилади ва унга муқобил H_1 фараз $\bar{x} - \bar{y}$ тарзда қабул қилинади.

Таъқиқот натижаларини таҳлил этиш орқали қуйидаги умумий хулосалар келиб чиқди:

1. Экологик маданият – шахс умумий маданиятининг таркибий қисми. Шахснинг экологик маданияти юқсак даражадаги инсоний ва ахлоқий фазилатларни тақозо қилади. Табиатга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, табиий ва антропоген экосистемалар барқарорлигини таъминлаш, биоценозга етказилётган ҳар қандай зарарларга қарши курашиш шулар жумласидандир.

Жамиятда экологик барқарорликни таъминлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланганлиги шахс экологик маданиятини шакллантиришнинг илмий – педагогик асослари ҳамда экологик таълим-тарбияни ташкил этишда яхлитлик ва тизимлиликнинг яратилганлиги шахс экологик маданиятини шакллантириш ва бу борада муваффақиятга эришиш мумкинлигини исботлади. Шу асосда «агроэкология», «экологик таълим», «экологик тарбия» каби тушунчаларга педагогик тавсиф берилади, уларнинг таркибий қисмлари, бир-бири билан боғлиқлигининг янги қирралари аниқланди.

2. Илмий экологик қадриятлар моҳиятини ўқувчиларга етказиш, уларда экологик қадриятларга нисбатан чуқур ҳурматни қарор топтириш ўқувчи экологик маданиятини шакллантиришда муҳим восита эканлиги назарда тутилиб қишлоқ хўжалик меҳнати таълимининг экологик мазмунини ва имкониятлари аниқланди.

3. Ўқувчи экологик маданиятининг таркибий қисмларини илмий асослаш: агроэкологик муносабатлар → эҳтиёж → қизиқиш → мақсад → мотив → фаолиятдан иборат олтилик доирасида ўқувчи экологик тасаввури, идроки, тафаккури, саводхоналиги, фаоллиги ҳамда билимдонлигини шакллантириш кераклиги аниқланди, шунингдек қишлоқ хўжалик меҳнати таълими жараёнида ўқувчилар экологик маданият даражасини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилди.

4. Агроэкологик билимларни пухта эгаллаш, экологик фаолият кўникмалари ва малакаларига эга бўлиш экологик таълим-тарбия орқали ҳосил қилинади. Ўқувчиларнинг агроэкологик фаолиятини педагогик кузатиш, уларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш, ўқувчилар ва ота – оналар ўртасида суҳбат, сўровлар ўтказиш каби методлар; матбуза, семинар, амалий машғулотлар, экскурсия, муаммоли экологик вазиятларни яратиш ва ҳал этиш,

ролни ўйинлар каби шакллар; таълимнинг техник ва ахборотли воситалари, компьютерлар, курғазмалар, диофильмлар каби воситалардан фойдаланиш, ўқувчилар билан яқка тартибда ишлашга аҳамият қаратиш кабилар кўзланган натижани бериши аниқланди. Шу асосда қишлоқ хўжалик меҳнати таълими бўйича дарслар ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида экологик таълим-тарбиянинг янги педагогик технологиялари – ноанъанавий ташкилий шакллари ва методларидан фойдаланилади.

5. Таъқиқот жараёнида олиб борилган синов ишлари ўқувчилар экологик маданиятини шакллантириш бўйича тахминий андозани ишлаб чиқиш учун асос бўлди. Математик – статистик (Стюдент методи) таҳлил эса биз тавсия этаётган таълимнинг самарадорлигини кўрсатади.

6. Қишлоқ хўжалик меҳнати таълими бўйича дарслар ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида экологик маданиятни шакллантиришнинг тегинли педагогик шарт – шароитлари аниқландики, улар қишлоқ мактаблари амалиётида қатъий ҳисобга олиниши ларкор.

Диссертациянинг асосий мазмунини муаллифнинг қуйидаги ишларида ўз ифодасини топган:

1. Экологик маданият нима? // «Тафаккур» журнали, 2000 йил, 3 – сон, 126 – бет.
2. Ўқувчиларда экологик дунёқарашнинг шаклланиши // «Халқ таълими» журнали, 2000 йил, 5 – сон, 109 – 112 – бетлар.
3. Мактабдан ташқари таъбирларни ташкил этишда экологик маданиятни тарбиялаш // «Педагогик таълим» журнали, 2001 йил, 4 –сон, 29 – 32 – бетлар.
4. Меҳнат таълими дарслари жараёнида ўқувчиларга экологик билим ва тарбия бериш // «Ўзбекистон халқ таълими тараққиёти тарихи ва педагогик муаммолар» /Илмий ишлар тўплами. Тошкент: Нозомий номидаги ТАТИ, 1993 йил, 55-58 бетлар.
5. Меҳнат таълими дарсларида ўқувчиларга экологик тарбия бериш муаммолари //Аҳолининг узлуксиз экологик таълим ва тарбияси муаммолари /1-Республика илмий-услубий кенгашининг тезис ва матбузалар тўплами. Тошкент, 1993 йил, 162-163 бетлар.
6. Экономическое воспитание учащихся на уроках технического труда в ходе углубления их знаний, умений и навыков //Проблемы совершенствования содержания инженерно-педагогической и трудовой подготовки студентов ИПФ и школьников в условиях непрерывного образования /Сборник научных трудов. Т.: 1994. 139-142 стр.

7. Некоторые проблемы экологического образования студентов как средство их воспитательной работы в ходе интеграции дисциплин естественного цикла. // Проблемы совершенствования содержания инженерно-педагогической и трудовой подготовки студентов ИПФ и школьников в условиях непрерывного образования / Сборник научных трудов. Т.: 1994. 142-144 стр.

8. Меҳнат ва касб таълими ўқитувчиси мутахассисанги бўйича таълим стандарти // «Хунар таълими стандартларининг ўқув-методик таъминоти муаммолари» илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент - Андижон. 1997 йил, 41-42-бетлар.

9. Экологическое воспитание как фактор профориентации сельских школьников. // Профессиональная ориентация молодежи в условиях перестройки / Материалы межвузовской научно-практической конференции. Курган, 1990, 119 - 121 стр.

С.П.М.

РЕЗЮМЕ

Диссертация Сатторовы В.Н. на тему «Формирование экологической культуры у учащихся V-IX классов общеобразовательных школ (на примере обучения сельскохозяйственного труда)» на соискание ученой степени кандидата педагогических наук по специальности 13.00.01 – теория и история педагогики

Диссертация посвящена проблеме формирования экологической культуры у учащихся V-IX классов общеобразовательных школ на примере обучения сельскохозяйственному труду, которые научно-методически обосновываются.

Диссертация состоит из введения, двух глав, заключений; списка использованной литературы, также 11 таблиц, 7 схем, 3 приложений.

Во введении обоснована актуальность темы, определены цель и задачи, объект и предмет исследования, указаны методологические и методические основы, научная новизна и практическая значимость.

В первой главе «Формирование экологической культуры школьников в процессе обучения сельскохозяйственного труда как актуальная педагогическая проблема», освещены теоретико-педагогические основы формирования экологической культуры учащихся на примере формирования экологической культуры развития экокультуры личности и общества, обоснованы элементы и сущность формирования экокультуры. Определены задачи формирования экокультуры учащихся в процессе обучения сельскохозяйственному труду. Определена сущность понятия «экологическая культура» с точки зрения сельского хозяйства. Приведена система формирования экологической культуры у учащихся, определены критерии оценки уровня сформированности экокультуры.

Во второй главе диссертации «Организационные формы и методы формирования экологической культуры учащихся в процессе обучения сельскохозяйственному труду» раскрыта сущность учебно-воспитательной работы, её форм и методов, использованных в ходе эксперимента по формированию экологической культуры учащихся. Предложена методика, способствующая определению содержания и условий формирования экокультуры учащихся в процессе обучения сельскохозяйственному труду.

Приводятся результаты эксперимента по проверке эффективности разработанной дидактической системы по формированию экологической культуры. Результаты исследования анализированы методом Стьюдента.

В заключении обобщаются некоторые выводы по исследуемой проблеме.

SUMMARY

Of Sattorov's dissertation called "Formation of ecological culture of V-IX th form children of secondary school on the basis of agricultural labour"

Dissertation work is dedicated to the problem of formation of ecological culture through agricultural labour. It consists of introduction, two chapters, list of literature used, 11 tables, 7 schemes 3 addenda. Actuality of the topic of research, its aim and task as well as object and subject of invitation and methodological basis, scientific novelty and practical value are considered in introduction.

The first chapter "Formation of ecological culture of children in the process of agricultural labour as a pedagogical problem" is dedicated to theoretical-pedagogical fundamental of formation of eco-culture of children in the process of agricultural labour, history of eco-culture development and role of individuality and society, elements and existence of formation of eco-culture are considered. Tasks of eco-culture formation are cleared up. Essence of the notion of ecological culture is defined. System of formation of children's eco-culture, their criteria of value are also cleared up.

Second chapter "Forms in methods of eco-culture formation in children in the process of agricultural labor training" deals with essence of agricultural labour training; deals with essence of educational training work, if forms and methods is suggested to define coiffeur and condition of eco-culture formation.

Result of the experiment on checking up effectiveness of the worked up didactic system of eco-culture formation. Are analyzed of the basis of student method.

Conclusions are given in the final part of the work. Practical suggestions are recommended as to how to form eco-culture in children in the adricultural labour.

123- буюртма. 168 нуска. Ҳажми 1,5 б.т.
2002 йил 46 августда босишга рухсат этилади.
Низомий номидаги ТДПУ Ризографика
нашр қилинди